

«КОНСТИТУЦИЯ МЕНИКИ,
СЕНИКИ, БИЗНИКИ! КОНСТИТУЦИЯ
ЎЗИМИЗНИКИ!» 2-3

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
REFERENDUMI
2023

КУН
нафаси

◆ 2023 йилнинг 26 апрель кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** Россия Федерацияси Президенти **Владимир Путин** билан телефон орқали мулоқот ўтказди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** мамлакатимизга ташриф буюрган Италия Республикаси мудофаа вазири **Гвидо Крозеттони** қабул қилди.

◆ Олий Мажлис Сенати Раиси **Танзила Норбоева** Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳри, Чимбой, Кегейли ва Хўжайли туманларида маҳалла раислари, маҳаллий кенгаш депутатлари, тадбиркорлик субъектлари, фермерлар, ёшлар етакчилари, ҳоким ёрдамчилари, профилактика инспекторлари, хотин-қизлар фаоллари, нуронийлар, ижодкор ва кашфиётчи ўқувчи ёшлар ҳамда талабалар билан мулоқотда бўлди.

◆ ФИФА президенти **Жанни Инфантино** жорий йилнинг 5-6 май кунлари Ўзбекистонга келади.

Ўзбекистон футбол ассоциацияси матбуот хизматининг хабар беришича, ФИФА раҳбари **Жанни Инфантино** бошчилигидаги делегация ташриф давомида мамлакатимизда ФИФА билан ҳамкорликда ташкил этилаётган терма жамоалар базасини («Дўстлик») кўздан кечириш, Ўзбекистон футбол ассоциацияси мутасаддилари билан расмий учрашув ўтказиши режалаштирилмоқда.

◆ «ИННОПРОМ. Марказий Осиё» кўргазмаси доирасида Бухоро вилояти ҳокими **Ботир Зарипов** Россия Федерациясининг Пенза вилояти гувернатори **Олег Мельниченко** билан ташқи иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари бўйича музокара ўтказди.

◆ Uzbekistan Airways 26 апрелдан бошлаб Ўзбекистон ва Индонезия ўртасида мунтазам авиақатновларни йўлга қўйди.

2023-yil
27-aprel
payshanba
№ 51-52
(4804)

Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo'lidа birlashaylik!

О'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Бухоро
вилояти



28 апрель – Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни

МУНОСИБ МЕҲНАТ ШАРОИТИ ЯРАТИШГА КИМ МАСЪУЛ?

Бухоро солиқ техникумида «Меҳнат хавфсизлиги – инсон саломатлиги кафолатидир» мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Бухоро вилояти кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда вилоят кенгашининг меҳнат техник инспектори Ҳ.Барноев, соғлиқни сақлаш меҳнат техник инспектори И.Бердиев жамоа келишувлари ва жамоа шартномаларида белгиланган ҳуқуқ ва имтиёзлар хусусида сўз юритишди.

Таъкидланганидек, мазкур ҳужжатларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ҳуқуқлар, имтиёзлар қўлланилиши, муносиб меҳнат шaroитларини яратишда иш берувчиларнинг вазифалари ва мажбуриятлари тўлиқ ўз ифодасини топган.

Анжуманда иштирокчиларни қизиқтирган саволларга мутахассислар муфассал жавоб беришди.

Абера ИМОМОВА,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси
Бухоро вилояти кенгаши мутахассиси

Келгуси
сонларда
ўқинг...

Касаба уюшма аралашгач...

ЎРИНБОСАР УЧИНЧИ МАРТА ИШГА ТИКЛАНДИ

Ҳаким Чориев 1983 йилдан эътиборан таълим соҳасида меҳнат қила бошлади. 34 йиллик тажрибага эга бўлгач, Шеробод тумани халқ таълими бўлими мудирини ўринбосари лавозимига лойиқ кўрилди. Бироқ у билан тузилган меҳнат шартномаси вилоят халқ таълими бошқармасининг 2019 йил 29 октябрдаги 541-сонли буйруғига асосан бекор қилинди. Бундай адолатсизликни кутмаган Ҳаким Чориев ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ёрдам сўраб тегишли идораларга мурожаат қилди ва фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судининг 2020 йил 6 январдаги ҳал қилув қарорига кўра, вазифасига тикланди.

Орадан 17 ой ўтар-ўтмас, ушбу ҳолат тагин такрорланди. Бошқарманинг 2021 йил 19 майдаги 261-сонли буйруғи ҳам суд томонидан ноқонуний деб топилгач, Ҳаким Чориев меҳнат фаолиятини ўз жамоасида яна давом эттирадиган бўлди. Аммо иш берувчи муроасага келмади. Ўша йил 13 октябрда уни меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақида ёзма равишда огоҳлантирди. 2022 йил 30 августда эса пенсия ёшига тўлгани, қонунан ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлгани баҳонасида ишдан бўшатди.

Ҳолбуки, бу жараёнда бошқарма раҳбарияти томонидан жиддий хатоларга йўл қўйилган, биринчидан, огоҳлантириш хатида Ҳаким Чориевга иш қидириши учун ҳафтада камида бир кун иш ҳақи сақланган ҳолда ишга чиқмаслик ҳуқуқи берилиши қайд этилмаганди. Иккинчидан, меҳнат шартномаси бекор қилинишидан олдин туман халқ таълими бўлими бошлангич касба уюшма кўмитасининг розилиги олинмаганди. Учинчидан, Ҳаким Чориев туман Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси кенгашининг, аниқроғи, вакиллик органининг аъзоси сифатида сайланган бўлиб, бундай ҳолатда иш берувчи у билан тузилган меҳнат шартномасини ўз ташаббуси билан бекор қилишдан олдин маҳаллий меҳнат органи розилигини олиши шарт эди.

Афсуски, вилоят халқ таълими бошқармаси мутасаддилари юқорида эслатилган тартиб-қоидаларга амал қилмай, Меҳнат кодексининг 21-, 25- ва 102-моддалари талабларини бузишган. Ана шу боис фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро суди жорий йил 11 январда чиқарган ҳал қилув қарорига мувофиқ, Ҳаким Чориев учинчи бор вазифасига қайта тикланди. Шунингдек, унга мажбурий бекор юрган вақтлари учун 14 миллион 606 минг сўм ойлик иш ҳақи ва 3 миллион 500 минг сўм миқдоридagi маънавий зарар ундириб берилди.

Зариф ХОЛОВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши
меҳнат ҳуқуқ инспектори,
Тошмўхаммад ДАВЛАТОВ,
кенгашининг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш бўйича бош мутахассиси

ХОЛБЕКОВНИНГ
ҲУҚУҚИ ҲИМОЯ
ҚИЛИНАДИ

ЖАВОБИНИ
КУТАЁТГАН
САВОЛАР

ЗАМОНАВИЙ
МУҲАББАТ

www.ishonch.uz

ishonch1991@yandex.uz

https://www.facebook.com/
ishonch.gazetasi

https://t.me/ishonchgaz

Эълон



Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси кундузги ва сиртқи йўналишларга ҳужжатлар қабул қилишни бошлади

Сиз 2023/2024-ўқув йилидан бакалавр босқичида қуйидаги йўналишларда таҳсил олишингиз мумкин:

- ◆ Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги
- ◆ Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги
- ◆ Инсон ресурсларини бошқариш
- ◆ Ижтимоий иш (соҳалар бўйича)
- ◆ Психология (фаолият турлари бўйича)
- ◆ Менежмент
- ◆ Юриспруденция

https://atso.uz/oz/form ҳаволаси орқали ҳужжат топширинг ва талаба бўлинг!

Имтиҳонларни, ўз хоҳишингизга кўра, июнь, июль ёки август ойида топширингиз мумкин!

Ҳужжат топширинг ва замонавий касб эгаллаш сари қадам ташланг!

Ҳужжат топшириш билан боғлиқ қўшимча маълумотлар зарур бўлса, +99855 506-01-50 рақамига мурожаат қилинг ва барча саволларга жавоб олинг!

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Миллий боғ кўчаси, 7-уй.



Тиббий суғурта турларини ривожлантириш бизга нима беради?

Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасининг 48-моддаси фуқаролар соғлиғини сақлаш ҳуқуқини таъминлашга қаратилган нормалар билан бойитилган. Хусусан, унда, Давлат соғлиқни сақлаш тизимини, унинг давлат ва но-давлат шакллари, тиббий суғурта турларини ривожлантириш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш чораларини кўриши алоҳида белгилаб қўйилмоқда.

Биз қуйида тиббий суғурта ва унинг аҳами- яти хусусида фикр билдирмоқчимиз. Дунё амалиётида асосан икки турдаги: ихтиёрий ва мажбурий тиббий суғурта амал қилади. Сўнгги йилларда тиббий хизмат нархлари қимматлашиб кетаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бундай ҳолатда аҳо- лининг заиф қатламларида юқори малакали тиб- бий хизматлардан фойдаланиш учун моддий им- коният бўлмай қолиши мумкин. Мажбурий тиббий суғуртанинг асосий мақсадларидан бири ҳам айнан мана шу муаммони бартараф этган ҳолда, тиббий хизматлардан фойдаланишда барчага тенг имко- ният яратиб беришдир. Мажбурий тиббий суғурта жорий этилиши тиб- бий хизмат сифатининг ошишига олиб келиб, ўз навбатида, фуқароларнинг малакали тиббий хиз- матдан фойдаланиш ҳуқуқини тўлақонли амалга ошириш имконини беради. Энг асосийси, фуқаро- ларнинг тиббий хизмат учун «ўз чўнтагидан» (out of pocket payments) тўлайдиган пул миқдори камаяди. Ўз навбатида, мажбурий тиббий суғуртада ишти- рок этаётган фуқаролар соғлом пайти ҳам тўловлар (суғурта мукофоти) тўлашлари мумкин бўлади. Бу йўналишдаги Жаҳон соғлиқни сақлаш таш- килоти томонидан халқаро эксперт бошчилигида

Соғлиқни сақлаш тизими ва бошқа тегишли вазир- лик, идоралардан етакчи мутахассислар жалб қи- линиб, қонунчилик асосларини ишлаб чиқиш жа- раёнида жаҳонда шакланган моделлар пухта ва атрофлича ўрганиб чиқилган. Ўрганиш жараёнида Сингапур, Жанубий Корея, Япония, Франция, Гер- мания, Норвегия, Эстония, Латвия, Исроил, Туркия, Қозоғистон, Россия, Озарбайжон каби давлатлар тажрибасига эътибор қаратилган. Шу билан бирга, миллий хусусиятларимиз ҳам ҳар томонлама таҳ- лил этилган. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳи- моя қилиш мақсадида бандлик даражалари, солиқ ставкалари, ойлик даромадлар ўрганилиб, мажбу- рий тиббий суғуртанинг ҳозирги кунда оптимал ва ижобий баҳолаб келинаётган бюджет модели тан- лаб олинган. Давлат тиббий суғуртаси тизимини жорий этишдан асосий мақсад – касалликларнинг олдини олиш, эрта аниқлаш, тиббий ёрдам кўрсатишнинг бирламчи бўлинида малакали ва сифатли хизмат- лар кўрсатишни ташкил этиш, аҳолининг саломат- лик даражаси, ўртача умр кўриш давомийлигини оширишдан иборат. Ушбу тизимнинг ахборот-ком- муникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда амалиётга татбиқ этилиши эса тиббиёт хо-

димлари ва беморлар учун керакли маълумот- ларни олиш имконини беради. Юртимизда тиббий суғурта тизими уч босқичда амалга оширилиши белгиланиб, биринчи босқичда Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ти- зимидаги барча тиббиёт муассасаларида жорий этилди, барча ишлар элек- тронлаштирилган ҳолда, яъни электрон карталар, электрон поликлиникалар томонидан ўтказилмоқда. Натижада бемор ва соҳа хо- димлари ўртасида юз бе- риши мумкин бўлган ҳар хил тушунмовчиликлар олди олинди. Давлат ва хусусий тиббиёт муассасалари би- лан шартнома тизими, кафо- латланган тиббий хизмат ти- зими йўлга қўйилмоқда. Давлат томонидан маж- бурий тиббий суғуртанинг иккинчи босқичини жорий қилиш ишларини амалга ошириш эса 2023 йилда Қо- рақалпоғистон Республи- каси, Тошкент, Самарқанд, Навоий, Сурхондарё ҳамда Фарғона вилоятларида, учинчи босқич 2025 йилдан бутун мамлакатни қамраб олган ҳолда ўтказилади. Мажбурий тиббий суғурта тизимини юртимизда жорий этиш якунида давлат ва хусусий тиббиёт му- ассасалари ўртасида рақобат муҳити вужудга ке-

лади. Бу эса, беморни битта тиббий муассасага боғлаб қўймайди, яъни хусусий тиббий муассаса- лар хизматидан давлат томонидан белгиланган ка- фолатланган тиббий хизматни олиш имкониятини кенгайтиради. Агар фуқаронинг қўлида тиббий суғурта полиси бўлса, мамлакатдаги ўзи хоҳлаган клиникада даволаниши, ўзи истаган шифокордан тиб- бий маслаҳат олиши мум- кин. Хасталик бўйича қайси шифо масканига мурожаат қилиш, врач қабулига ёзи- лиш, мутахассис ёзиб бер- ган дориларни топиш каби масалаларга ҳам осон ечим топилади. Энг асосийи, фуқароларда сифатли тиб- бий хизматдан фойдаланиш учун зарур пул жамғарма- лари пайдо бўлади. Юртимизда мажбурий тиббий суғуртани жорий қи- лиш мақсадида қонун ҳуж- жатлари такомиллашти- риш амалда бошлан- ган. Хусусан, 2021 йилдан «Мажбурий тиббий суғурта тўғрисида»ги қонун амалда ишлай бошлади. Алоҳида эътироф этиш жоизки, юр- тимизда фуқароларни кафо- латланган тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи нафақат давлат томонидан, балки хусу- сий суғурта ташкилотларининг суғурта полислари доирасида ҳам кўрсатилиши мумкинлиги белгиланмоқда.



Севара УБАЙДУЛЛОЕВА, тиббиёт фанлари доктори, доцент, II даражали «Саломатлик» ордени соҳибаси

Конституция лойиҳасига киритилаётган норма эса тиббий суғуртанинг ҳуқуқий, ташкилий, молия- вий асослари ва тамойилларини белгилаш, соҳада юзага келадиган жамоатчилик муносабатларини тартибга солиш ҳисобланади. Миллат саломатлигини таъминлашга қаратил- ган шундай ҳуқуқларнинг амалиётга кенг қўламда жорий этилиши ўтказилажак референдумда қай даражада фаол иштирок этишимизга ҳам боғлиқ. Шундай экан, бефарқ бўлмайлик. Умумхалқ ишида фаоллик кўрсатайлик.



Муфассал тушунчалар

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қури- лиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Қо- рақалпоғистон кенгашида янги таҳрирдаги Ўзбе- кистон Республикаси Конституцияси бўйича ўт- казиладиган референдумга бағишланган тадбир ўтказилди. Тармоққа қарашли корхоналарнинг кадр- лар бўлимлари ҳамда бошланғич касаба уюш- малари фаоллари иштирок этган тадбирда Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Респуб- лика кенгаши бош юристконсулти Лола Нишо- нова, тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Қо- рақалпоғистон кенгаши раиси Гулмира Палуания- зова, Қорақалпоғистон Республикаси транспорт вазирлиги касаба уюшма қўмитаси раиси Б.Ураз- баев, Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш ва- зирлиги кадрлар бўлими мудири Ш.Абдиразиева янги таҳрирдаги Асосий Қонунга киритилган ўзгаришлар тўғрисида атрофлича тушунча- лар беришди.

Фотима АБДУРАИМОВА «ISHONCH»

«КОНСТИТУЦИЯ МЕНИКИ, СЕНИКИ,



Хабардорликка кўп нарсa боғлиқ

Янги таҳрирдаги Конституция лойи- ҳасининг 31-моддасида ҳар бир ин- сон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиши, ўз шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга экани белгилаб қўйилган.

Илгари бу каби нормаларни фақатгина суд-ҳуқуқ тизимида ёки ҳуқуқни муҳо- фаза қилиш фаолияти билан боғлиқ бошқа турдаги процессуал нормаларда учра- тиш мумкин эди. Ушбу моддада яна бир муҳим норма келтирилган бўлиб, у ҳар ким ёзиш- малари, телефон орқали сўзлашув- лари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиши ҳуқуқига эгалигидир. Бундан ташқари, ушбу ҳуқуқлар- нинг чекланишига фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асо- сан йўл қўйилишини инобатга оладиган бўлсак, бу инсон қадрини энг олий даражага кўтариш демакдир. Негаки,

ҳозирги «Ахборот асри»да маълумот олиш ва ахборот алмашишнинг қулай воситаси ин- тернет бўлиб, аммо унда баъзи ғаразгўй ким- салар томонидан амалга оширилаётган ах- борот хуружлари халқлар ва келажақ авлод тақдирига катта таҳдид солмоқда. Юқоридagi каби умуминсоний норма- ларни жамият ҳаётини белгилаб берувчи асосий ҳуқуқий ҳужжатларга киритиш дав- лат томонидан фуқароларга тегишли бўлган шахсий ҳуқуқларнинг дахлсизлигини кафо- латлайди. 31-модданинг сўнгги қисми сифатида баён қилинган «Ҳеч ким уй-жойга унда яшовчи шахсларнинг хоҳишига қарши кириши мум- кин эмас. Уй-жойга киришга, шунингдек, унда олиб қўйишни ва кўздан кечиришни ўтказишга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади. Уй-жойда тинтув ўтка- зишга фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қа- рорига асосан йўл қўйилади» нормаси нафақат оддий фуқароларнинг, балки ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларнинг зиммасига катта маъулият юклайди. Умуман олганда, Асосий Қонунимизга ки- ритилаётган ўзгаришлар ва ҳуқуқимчаларнинг барчаси инсон қадрини улуғлашга қаратил- гани билан аҳамиятлидир.

Баҳриддин ҒИЁСОВ, Жамоат ҳавфсизлиги университети ўқитувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, (PhD)

Фарғона вилояти

Ишонч билан айтиш мумкинки, халқимиз- нинг таклиф ва мулоҳазалари асосида ян- гиланаётган Конституцияга киритилган қў- шимча ва ўзгаришлар ҳар бир соҳани чўқур қамраб олгани, ҳуқуқ ва манфаатла- римиз ҳимоясига қаратилгани билан аҳами- ятлидир.

Дахлдорлик туйғуси билан

Буни ўзимнинг мисо- лида айтадиган бўлсам, янгила- наётган Конститу- циянинг 52-мод- даси ўқитувчи- лар ҳимоясига бағишланмоқда. Шубҳасиз, Асо- сий Қомусимизга педагоглар билан боғлиқ модда ки- ритилаётгани – жамиятда ушбу касб эгаларига нисбатан йиллар давомида шакланган муносабатни ижобий то- монга ўзгартириш йўлида ташланган муҳим қадам, дея баҳолаш мумкин.



Сир эмаски, бундан ўн йилларча муқаддам ўқи- тувчиларнинг обрў ва мавқеи сезиларли даражада тушиб кетганди. Гўёки, биз ўқитувчилар юқори ташкилотлар учун «ҳашарчи» эдик. Далага чиқиш, ободонлаштириш ишларида қатнашиш ўқитувчи- нинг асосий иши бўлганини ҳеч ким инкор этмаса керак. Боз устига, нуфузли касб эгаларининг ойлик маоши ҳам ҳаминақадар эди. Кейинги йиллардаги ислохотлар сабаб ўқитув- чиларнинг елкасига офтоб теғди. Ойлик маошлар- имиз ошди. Обрў-эътиборимиз юксалди. Мажбу- рий меҳнатдан – пахта терими, ободонлаштириш ишларига жалб қилишдан бутунлай халос бўлдик. Ўқитувчиларнинг обрўсини ошириш, кадр-қим- матини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлигини таъминлаш каби вазифалар янги таҳрирдаги Конституцияда белгилаб қўйилиши ке- लाжак авлоднинг сифатли ва замонавий таълим оли- шига, келажақда фаровон яшашига хизмат қилади. Шубҳа йўқки, янги таҳрирдаги Конституция Ўзбе- кистон тараққиётида ўзгача бир даврни бошлаб бе- ради. Шу сабаб шу йилнинг 30 апрель куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгаришлар киритиш ҳақидаги референдумда фаол қатнашиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчи- миз деб биламан.

Саидхон СУЛАЙМОНОВА, Фуқрат туманидаги 35-мактаб ўқитувчиси, «Шўхрат» медали соҳибаси



Қашқадарё
вилояти

Истиқбол сари ташланган қадам

Янгиланаётган Конституциямизда ногиронлиги бўлган фуқаролар учун қатор имтиёз ва ҳуқуқлар жорий этилган.



Қарши шаҳридаги мономарказда бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон Ногиронлар жамияти раисининг биринчи ўринбосари Ботир Омонтурдиев бу ҳақда муфассал тушунча берди. Шунингдек, жамият ҳуқуқшуноси Ғолиб Эгамбердиев 30 апрель кuni ўтадиган референдумда овоз беришда ногиронлиги бўлган фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда участкаларда яратилиши керак бўлган шароитлар ҳақида шарҳ бериб ўтди. Махсус буклетлар тарқатилди. Учрашув чоғида мономарказда таҳсил олаётган 37 нафар ногирон ўқувчи билан уларнинг ўқишлари, келажак режалари ҳақида мулоқот қилинди. Ёшлар ўзларининг қизиқтирган саволларига жавоб олишди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти масъуллари 13-сонли вилоят референдум округида ҳам бўлишди. Округ раиси Исоқ Аҳмедовнинг таъкидлашича, вилоятда жами 1002 та референдум участкаси мавжуд бўлиб, уларда 388 нафар ногиронлиги бўлган шахс комиссия аъзоллигига киритилган. Қашқадарё вилояти ногиронлар жамияти раиси Бахтиёр Ботировнинг таъкидлашига қа-

раганда, ташкилотнинг шаҳар ва туман бўлинмалари томонидан 578 та референдум участкасида ўрганишлар олиб бориш ҳамда аниқланган камчиликлар бартараф этилган. Жараёнлар давом этмоқда. Масъуллар Қарши шаҳридаги қатор Референдум участкаларида бўлиб, ногиронлиги бўлган шахслар учун жорий этилган шарт-шароитлар билан танишдилар.

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»



Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1967 йили қабул қилган «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳақида халқаро пакет»нинг 18-моддасида «*Ҳар ким фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга*» деб, 19-моддаси 2-қисмида «*Ҳар ким ўз фикрини эркин билдириш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ давлат чегараларидан қатъи назар, оғзаки, ёзма ёки босма шаклда, бадиий асар шаклида ёки ўзи танлаган ҳар қандай бошқа воситалар орқали барча турдаги ахборот ва ғояларни излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади*» деб белгилаб қўйилган.

Сўз эркинлигининг муҳим шарти

Бизнинг янгиланаётган Конституциямизнинг 33-моддасида эса у қуйидагича баён этилмоқда: «*Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким исталган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга. Давлат интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади. Ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган*

ган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади». Ушбу норманинг айна тартибда берилиши Конституциямиз халқаро талаблар даражасида эканлигини англатади. Шунингдек, 2011 йил 3 июндаги Резолюцияга мувофиқ, БМТ интернетга кириш ҳуқуқини инсоннинг ажралмас ҳуқуқларидан бири сифатида эътироф этади. Бу қоидага мувофиқ равишда давлат фуқароларимизнинг интернетдан тўлақонли фойдаланишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олмоқда. Ўз навбатида, фикрлаш ҳуқуқини намоён қилишнинг энг асосий белгиси бўлган сўз эркинлиги мамлакатимизда жадал ривожланиб бормоқда.

Янги таҳрирдаги Конституция қабул қилинса, фикрлаш ва сўз эркинлиги Янги Ўзбекистоннинг «ташриф қоғози» сифатида бардавом бўлишининг ҳамда фикрлар хилма-хиллигига эришишнинг муҳим кафолати сифатида хизмат қилади. Модомики, шундай экан, биз халқаро майдондаги ўрнимизни ва мавқеимизни янада мустақамламоқчи бўлсак, фикр, сўз ва матбуот эркинлиги кафолатини ис-тасак, Бош Қомусимизга киритилаётган ўзгаририш ва қўшимчаларни қўлаб-қувватлашимиз зарур.

Алишер МАДРАҲИМОВ,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
институтини кичик илмий ходими

БИЗНИКИ! КОНСТИТУЦИЯ ЎЗИМИЗНИКИ!»

«ИНСОННИНГ АЖРАЛМАС ҲУҚУҚИ»

Асосий Қонунимизда қандай кафолатланмоқда?

Бугунги кунда ҳаётимизни интернетсиз тасаввур қилиб бўлмай қолди. Ахборот технологиялари, хусусан, интернетнинг шиддат билан ривожланиши натижасида ундан маълумотларни қабул қилиш ҳамда тарқатиш билангина чекланиб қолмасдан, соҳалар ривожини, давлат хизматларини юртишда ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасининг 33-моддасида ҳар кимнинг ахборот эркинлиги ва интернетдан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланмоқда. Бундан кўзланган мақсад интернет маконида фаолият олиб бориш учун қулай шарт-шароит яратиш, ахборот маконида шахс, жамият ва давлат манфаатларини муносиб ҳимоя қилишдир.

Тошкент давлат юридик университети кафедра мудири, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори Шоҳжаҳон ХУЖАЕВ билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

– Айтинг-чи, интернетдан эркин фойдаланиш ҳуқуқи инсонларга нима беради?

– Бугунги кунда дунёда интернет фойдаланувчилари сони беш миллиарддан ортиқ кишини, яъни дунё аҳолисининг қарийб 65 фоизини ташкил этади. Ўзбекистонда 31 миллиондан ортиқ аҳоли интернетдан фойдаланади. Бу мамлакат аҳолисининг 86 фоизига тўғри келади. Биргина Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz)га эътибор қаратадиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган даврида 3,8 миллион ариза келиб тушган.

Интернетдан фойдаланиш савдо муносабатларига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, ахборот ва алоқа соҳасида фаолият олиб бориш жадал суръатлар билан ошмоқда. Хусусан, сўнгги беш йилда бу соҳадаги корхона ва ташкилотлар сони икки бараварга ошиб, жорий йил бошида 12204 тани ташкил этган. Кўплаб тадбиркорлар айнан пандемия шароитидан келиб чиқиб, электрон тижорат масаласига алоҳида эътибор қаратишди. Мутахассислар 2025 йилга келиб, мамлакатимизда электрон тижорат бозори 12 бараварга кўпайиб, савдо ҳажми 6,8 миллиард АҚШ долларини ташкил этишини ба-шорат қилишмоқда.

– Бу ҳуқуқнинг айнан Асосий Қомусимизда мустақамланиши қанчалик муҳим?

– Жаҳон ҳамжамияти томонидан интернетга кириш эркинлигини мустақамлаш алақачон инсоннинг асосий ҳуқуқи сифатида тан олинган. Ахборот ва ғояларни ҳар қандай усул билан қидириш, олиш ва тарқатиш эркинлиги 1948 йилдаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида мустақамланган. Глобаллашувни ҳисобга олган ҳолда, 2011 йилда БМТ интернетга кириш ҳуқуқини инсоннинг ажралмас ҳуқуқи, деб тан олди ва кейинчалик БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши интернетдан эркин фойдаланишни инсон ҳуқуқларининг асосий рўйхатига киритди. Интернетдаги алоқа эркинлиги тўғрисидаги Страсбург декларациясида ҳам одамларнинг ах-

борот жамиятида иштирок этишидаги тўсиқларни олиб ташлаш ҳамда интернет орқали хизмат кўрсатиш эркинлигини кафолатлаш назарда тутилган. Юқоридагиларни инобатга олиб, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасининг 33-моддасида «**давлат интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиши**» мустақамланмоқда.

Ушбу масалани Конституция даражасида мустақамлаш интернетга кириш ҳуқуқини инсоннинг ажралмас ҳуқуқи сифатида тан олиш, давлатнинг мазкур соҳадаги мажбуриятларини белгилашга имкон беради.

Интернетдан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитларни яратишга оид давлат мажбуриятларининг белгиланиши мазкур соҳа давлат сиёсати даражасида ривожлантирилиши, мутасадди давлат органлари томонидан тегишли ишлар амалга оширилишини англатади. Жумладан, интернет ва замонавий технологиялар билан боғлиқ йирик лойиҳаларни амалга ошириш чекка ҳудудларда яшовчи аҳолини сифатли интернет тармоғи билан таъминланишига хизмат қилади. Бундан ташқари, тақлиф этилаётган қоида электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш, замонавий инфратузилмани яратиш, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга ҳам имкон беради.

– Ахборотни интернет орқали излаш, олиш ва тарқатиш эркинлиги фуқароларнинг зиммасига қандай мажбуриятлар юклайди, унинг масъулияти нималарни ўз ичига олади?

– Ахборот эркинлиги ҳозирги даврда очиклик ва ошкороликнинг муҳим шарти саналиб, муҳим қадрият сифатида ардоқланади. Лекин мазкур эркинлик ҳар қандай маълумотни тарқатиш мумкин дегани эмас. Ахборот эркинлиги мутлақ эмаслиги, муайян чегараларга эга бўлиши халқаро ҳужжатларда ҳам назарда тутилган. Жумладан, 1966 йил 16 декабрдаги фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 19-моддасига мувофиқ ахборот ва ғояларни қидириш, олиш ва



тарқатиш эркинлигидан фойдаланиш алоҳида мажбуриятлар ва алоҳида масъулият ажратиш қайд этилган. Халқаро пакта мувофиқ ахборот эркинлиги қонун билан чекланиши мумкин. Бунга асос сифатида бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва обрў-эътиборини ҳурмат қилиш ёхуд давлат хавфсизлиги, жамоат тартиби, аҳоли саноатлиги ёки маънавиятини муҳофаза этиш зарурати кўрсатилган.

БМТ шафеълигида қабул қилинган мазкур халқаро пактга дунёдаги 172 та мамлакат, жумладан, Ўзбекистон (мамлакатимиз бу халқаро ҳужжатга 1995 йил 31 август кuni қўшилган) аъзо ҳисобланади. Демак, инсон ахборот маконида муайян қоидаларга риоя қилиши жаҳон ҳамжамияти тан олган халқаро андозаларга тўлиқ мос келади.

– Ахборотдан фойдаланишда қонунга мувофиқ қандай чекловлар ўрнатилиши мумкин?


– Янгиланаётган Конституциянинг 33-моддасида «*ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек, давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади*», деган қоида киритилиши тақлиф этилмоқда.

Унга кўра, ахборотдан фойдаланиш конституциявий тузумни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат

мақсадлар мавжуд бўлган тақдирда ва зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Яъни муайян вазиятда тегишли ахборот тарқатилишини чеклаш зарурияти исботланиши лозим. Агар мазкур зарурат ўз исботини топмаса, ахборот алмашинувиши чеклашга йўл қўйилмайди.

Мисол учун, муайян веб-сайтда жамоат хавфсизлигига тажовуз қилувчи ахборот тарқатилди. Бунда мутасадди давлат органи мазкур ахборотни олиб ташлаш тўғрисида огоҳлантириш юборади, агар ахборот олиб ташланмаса, мазкур ахборот чекланиши мумкин. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам веб-сайтнинг ўзи тўлиқ чекланиши зарурати йўқ. Агарда қонунга хилоф ахборотлар бир веб-сайтда такроран эълон қилинаверса, шундагина веб-сайтдан фойдаланишни чеклаш масаласи кўриб чиқи-лиши мумкин. Бинобарин, ахборотни чеклаш зарурати ҳар бир ҳолатда синчковлик билан ўрганилади.

Суҳбатдош:
Гулрухбегим ОДАШБЕКОВА
«ISHONCH»



ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСЛОҲОТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

Шу йил 17–19 апрель кунлари Европа Иттифоқининг Инсон ҳуқуқлари бўйича махсус вакили Имон Гилмор ва Марказий Осиё бўйича махсус вакили Терхи Хакала расмий ташириф билан мамлакатимизда бўлди. Меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қабул қилди.

Европа Иттифоқи делегацияси аъзолари таширифи давомида Олий Мажлис Сенати Раиси, Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Бош вазир-роҳбар, Ташқи ишлар, Адлия вазирликлари ҳамда Бухоро вилояти раҳбарлари билан учрашди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази раҳбарияти ва Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), шунингдек, фуқаролик жамияти фаоллари билан мулоқотда бўлди. **Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал САИДОВ** билан мазкур ташириф тафсилотлари ҳақида суҳбатлашдик.



– Европа Иттифоқи делегацияси томонидан Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, фуқаролик жамиятини, гендер тенгликни ривожлантириш, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш каби муҳим йўналишларда эришилган муваффақиятлар юксак баҳоланди, – деди А.Саидов. – Бу муносиб баҳо ушбу нуфузли халқаро ташкилотнинг лавозимдорлари томонидан берилгани билан янада аҳамиятлидир. Чунки, аввало, Европа Иттифоқининг Инсон ҳуқуқлари бўйича махсус вакили лавозими 2012 йилда таъсис этилган бўлиб, Имон Гилмор ушбу лавозимда 2019 йилдан буюн фаолият олиб бормоқда. Жорий йил февралда унинг махсус вакиллик мандати 2024 йил 29 февралгача узайтирилди. И.Гилмор Ирландиянинг Калтре шаҳрида туғилган, Ирландия Миллий университетида таҳсил олган. Ирландия Ташқи ишлар вазирлиги, Бош вазир ўринбосари лавозимларида ишлаган ва мамлакат парламенти депутати мақомида 30 йил фаолият олиб борган. У инглиз ва француз тилларида эркин мулоқот қилади.

Ўзбекистон Президенти ушбу таниқли сиёсий арбоб ва тажрибали дипломатнинг умумевропа манфаатларини илгари суриш ҳамда энг долзарб глобал муаммоларни ҳал этишга қўмаклашиш борасида қўшаётган улкан ҳиссасини юксак баҳоллади. Давлатимиз раҳбари, шунингдек, бундан икки йил илгари – 2021 йил 19 ноябрда юртимизда ногиронлиги бўлган болаларни инклюзив ривожлантириш бўйича ўтказилган халқаро веб-форумни қўллаб-қувватлагани ва унда фаол иштирок этгани учун И.Гилморга миннатдорчилик билдирди.

Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили лавозими 2005 йили таъсис этилган бўлиб, Терхи Хакала ушбу лавозимда 2021 йил 1 июлдан ишлаб келмоқда. Т.Хакала Финландиянинг Хельсинки шаҳрида туғилган ва Турку шаҳридаги Або академиясида таҳсил олган тажрибали дипломат. Инглиз, рус, француз, швед ва немис тилларини яхши билади.

Юртбошимиз бунгача ҳам Ўзбекистонга кўп бор – беш марта ташириф буюрган Т.Хакални Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили лавозимидаги ваколати яна икки йилга узайтирилгани билан қўллар экан, бу унинг фаолияти самарадорлигига Европа Иттифоқи раҳбариятининг берган муносиб баҳоси ва билдирган юксак ишончи ифодаси эканини қайд этди.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигининг дастлабки давридандиқ Европа Иттифоқи билан дўстона муносабатлар ўрнатган ва ўзаро ҳамкорлик алоқалари сўнгги йилларда айниқса кучайди. Шу маънода, давлатимиз раҳбари томонидан И.Гилмор ва Т.Хакала билан мулоқот асосида Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлигининг бугунги юксак даражаси ва натижадорлиги катта мамнуният билан қайд этилгани бежиз эмас.

Утган йили Европа Кенгаши раиси Шарль Мишель мамлакатимизга ташириф буюрди. Самарқандда ўзаро ҳамжиҳатлик ва алоқадорликка бағишланган конференция бўлиб ўтди. Ушбу саммитнинг навбатдагиси – жорий йил июнда Бишкекда бўлади, кейинги анжумани Ўзбекистонда ўтказиш таклифи илгари сурилди.

Бугунги кунда Европа Иттифоқи билан барча даражаларда фаол мулоқотлар давом этмоқда. Бу ўринда, жумладан, Европа томонидан тақдим этилган «GSP+» шароитлари тўғрисида ўзаро савдо ҳажми ва муваффақиятли инвестиция лойиҳалари сони жадал ортиб бораётганини таъкидлаш лозим. Шу нуқтаи назардан, жорий йилда юртимизга келадиган Еврокомиссия мониторинг гуруҳи билан ақин ҳамкорликда иш олиб бориш режалаштирилмоқда.

Маданий-гуманитар соҳада ҳам биргаликда муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, машҳур Лувр музейида илк бор тарихий-маданий меросимизнинг улкан қўламдаги кўргазмаси ташкил этилгани билан фахрланамиз. Май ойида Берлинда ҳам Ўзбекистоннинг шундай кўргазмаси очилади.

Президентимизнинг Европа Иттифоқи делегацияси билан учрашувида мазкур халқаро ташкилот институтлари билан амалий ҳамкорлики кенгайтириш бўйича навбатдаги қадмлар муҳокама қилинди. Шунингдек, минтақавий кун тартибининг долзарб жиҳатлари ва бўлажак қўша тадбирларга тайёргарлик кўриш масалалари кўриб чиқилди.

И.Гилмор ва Т.Хакала Европа Иттифоқи Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган орта қайтмас ислохотлар стратегиясини қатъий қўллаб-қувватлашни яна бир бор таъкидлади.

Президентимиз меҳмонларнинг баҳо ва тавсиялари жуда муҳим эканини эътироф этди. Зеро, хорижий дўсту ҳамкорларимизнинг ҳолли нуқтаи назари – инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш соҳасида осон бўлмаган ислохотларни амалга ошириш йўлида биз учун улкан рағбатдир.

– Инсон ҳуқуқлари мавзусидаги мулоқотлар ҳақида батафсилроқ тўхталсангиз?

– Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар ортага қайтмас жараёنлиги алоҳида таъкидлаб, буларнинг марказида инсон манфаатлари, ҳар бир фуқаронинг қадр-қиммати турганини, бу биз учун энг устувор мақсад эканини қайд этди.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатларини кучайтириш йўлидан қатъий одимламоқда. Мамлакатимиз бундан кейин ҳам инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини глобал ва минтақавий даражаларда илгари суриш жараёнининг фаол иштирокчиси бўлиб қолади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Фолькер Тюрк ташрифи яқунлари бўйича «Йўл харитаси»ни амалга оширишга киришилди. БМТнинг Ўзбекистондаги офисида ақин орада Инсон ҳуқуқлари бўйича маслаҳатчи лавозими таъсис этилди. Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашидаги самарали фаолияти ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Шу йил март ойида фуқаролик жамиятини ривожлантириш мавзусида «Марказий Осиё – Европа Иттифоқи» форуми муваффақиятли ташкил этилди. Бу каби муҳим жараёнларда европалик шерикларимиз билан ақин ва натижадор ҳамкорликдан ҳамиша манфаатдормиз. Деярли ҳар бир учрашувда Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар кенгайиб, сиёсий соҳадаги мулоқотлар фаоллашгани ҳақида сўз юритилди. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш соҳасида эришилган ютуқлар ҳолис эътироф этилиб, келгусида бу борадаги ҳамкорликини кучайтиришга алоҳида урғу берилиши таъкидланди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чоралари кучайтирилди. Нодавлат нотижорат ва диний ташкилотлар фаолиятини ташкил қилишни самарали таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатга олишни соддалаштириш юзасидан БМТ ва ЕХҲТ тақдим этган барча тавсиялар бажарилди. Бугунги кунда юртимиздаги ННТ сони 9 мингтадан ортиқ бўлиб, охириги олти йилда уларнинг лойиҳаларини молиялаштириш ҳажми 25 баробар кўпайди.

Айни вақтда парламент мажлисларида иштирок этадиган ННТнинг доимий вакили

институтини татбиқ этиш ишлари жадал бормоқда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодекс лойиҳаси ишлаб чиқилди ва ҳозирда лойиҳа матни халқаро ҳуқуқ нормалари ҳамда АҚШ, Германия, Франция каби хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаси асосида такомиллаштирилмоқда.

Конфессиялар ишлари бўйича кенгаш тузилди. Диний соҳада таълим олишнинг янги тизими жорий этилди. Ҳаж ва Умра зиёратларини амалга ошириш тартиб-таомиллари қўлайлаштирилди. Экстремизмга қарши курашда асосан профилактик чораларга таянилмоқда. Афв этиш тўғрисидаги ҳужжатлар ҳозиргача 4 мингдан зиёд кишига нисбатан қўлланди.

Кейинги даврда оммавий ахборот воситалари эркинлиги янги феноменга ва ислохотларимизнинг устувор мақсадларидан бирига айланди. Эркин матбуот рейтингларида Ўзбекистон сўнгги беш йилда 40 та мавқега баландлади. Рўйхатга олинган ОАВ сони 2 минг 110 тага, блогерлар сони эса 1,5 мингтага етди.

Мулоқотларда, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг фуқаролар муносабатлари билан ишлаш, қийноқларнинг олдини олиш бўйича ҳаракатланиш эркинлиги чекланган ёпиқ муассасаларга амалга оширилаётган мониторинг таширифлари тўғрисида маълумот берилди. Бу борада қонунчиликда қийноқлар тақиқлангани, озодликдан маҳрум этиш жойлари видеокамералар билан жиҳозлангани, «Жаслик» колонияси ёпилгани муҳим ютуқларимиздан ҳисобланади.

Шунингдек, Омбудсманнинг қийноқларнинг олдини олиш бўйича ваколатлари кенгайтирилди. Фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирокида Миллий превентив механизм ташкил этилди. Жорий йилда БМТнинг Қийноқлар масалалари бўйича махсус маърузачисининг мамлакатимизга таширифи кутилмоқда.

– Европа Иттифоқи вакиллари янгиланаётган Конституциямиз ҳақида қандай фикрлар билдирдилар?

– Учрашувларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиришлар киритиш бўйича бўлажак референдумнинг аҳамияти алоҳида тилга олингани диққатга сазовор.

Европа томони, хусусан, янгиланаётган Асосий қонундаги инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг кафолатларини янада кучайтириш, жумладан, «Миранда қоидалари» ва «Хабеев корпус» институтини жорий қилиш, ижтимоий ва экологик ҳуқуқлар, ёшлар ҳуқуқлари, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, ўлим жазоси бекор қилинганлиги мустақамлаб қўйиш каби илғор нормаларни кўзда тутувчи ўзгартиришларни олқишлагани бизни хурсанд қилди.

Жаноб И.Гилмор сўнгги йиллардаги ўзгаришлардан олган таассуротлари ҳақида батафсил сўз юритди. Жумладан, Европа Иттифоқи Инсон ҳуқуқлари бўйича махсус вакилининг фикрича, Ўзбекистоннинг болалар ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш борасидаги ютуқлари, янгиланаётган Конституцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган нормалар акс эттирилаётгани юксак баҳо-ларга муносибдир.

Ўзаро суҳбатлар давомида бўлажак референдумда овоз бериладиган конституциявий қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда парламент аъзоларидан ташқари кенг жамоатчилик, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, экспертлар ва илмий доира вакиллари, зиёлилар фаол иштирок этгани таъкидланди. Янгиланаётган Конституцияда аҳолининг барча қатламлари манфаатлари инobatта олинганга эътибор қаратилди.

Европа Иттифоқи вакиллари айнан шу муҳим мезон, яъни конституциявий ислохотларда аҳолига энг асосий эътибор берилганини

қизгин олқишладилар. Ислохотларнинг диққат марказида инсон тургани, аҳолининг кундалик турмуши ва эҳтиёжлари инobatта олингани таҳсинга сазовор экани эътироф этилди.

Яна бир муҳим эътироф: ўлим жазоси тақиқланиши конституциявий даражада белгиланаётгани алоҳида таъкидланди. Делегация аъзоларининг фикрича, ушбу норма билан давлатимиз бу ўта жиддий масалада ҳеч қачон ортага қайтмаслигини, инсонпарварлик ғояларига содиқ эканлигини бутун дунёга намоён қилади.

Шунингдек, янгиланаётган Конституциямизда шахс суднинг қарорисиз 48 соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмаслиги кўзда тутилаётгани, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга муножаат этишга ҳақлиги, озодликдан маҳрум этилган шахсларга нисбатан инсоний муомалада бўлиш шартлиги, шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги белгиланаётгани ҳам меҳмонларнинг эътиборини тортди.

– Парламентимиз палаталарида Европа Иттифоқи вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувларда айнан қайси масалалар муҳокама қилинди?

– Олий Мажлисининг ҳар икки палатасида меҳмонлар билан ўтказилган учрашувларда Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги муҳим сиёсий жараёнларда, хусусан, конституциявий ислохотларда, шунингдек, демократик янгилаш ва ўзгаришларда парламентнинг ўрни алоҳида эътироф этилди. Делегация аъзоларига Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, гендер тенглик, меҳнат муносабатлари соҳасидаги жараёнлар, Олий Мажлис ва Ёшлар парламенти фаолияти ҳақида атрофчила маълумот берилди.

Хусусан, Олий Мажлис Сенати Раиси Ўзбекистон Европа Иттифоқи билан асосий халқаро ҳамкор сифатида ўзаро манфаатли шериклики изчил ривожлантиришдан, бунда ўзаро муносабатларнинг барча йўналишларини қамраб олиш учун биргаликда ҳаракат қилишдан манфаатдор эканини таъкидлади. Меҳмонлар ҳам Европа Иттифоқи қамрови жиҳатидан кенгайиб бораётган икки томонлама мулоқотни амалий мазмун билан янада бойитиш тарафдори эканини билдирдилар.

Мулоқотлар чоғида Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизлар ҳуқуқларини кафолатлаш, уларнинг жамият ва оиладаги мавқеини мустақамлаш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилиши қайд этилди. Бу борада Гендер стратегияси ва 40 дан ортиқ норматив ҳужжат қабул қилинди. Барча қонун лойиҳалари гендер экспертизасидан ўтказилмоқда.

Бугунги кунда талаба қизларнинг сони 110 минг нафардан 500 минг нафарга кўпайди. Бу – Ўзбекистондаги жами талабаларнинг тенг ярми, деганидир.

Марказий Осиё мамлакатлари аёл-лидерларининг минтақавий мулоқотида асос солинди. Парламентлараро Иттифок билан ҳамкорликда ўтган йили дунё мамлакатлари парламентлари аёл-лидерларининг саммити ва ШХТ Хотин-қизлар форуми ўтказилди.

Қисқа фурсатларда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам берилди. Фарзандларимиз билим олишлари, тил ўрганишлари, касб эғлалашлари, бир сўз билан айтганда, ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб вояга етишлари учун шароитлар яратилмоқда.

БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси Ўзбекистон томонидан 2021 йилда ратификация қилинди. Жорий йил июль ойида БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича қўмитасида ушбу Конвенциянинг бажарилиши юзасидан мамлакатимизнинг дастлабки миллий маърузаси тингланмоқда.

Бу борада алоҳида қонун қабул қилиниб, ногиронлиги бўлган шахсларнинг барча соҳалардаги ҳуқуқлари кафолатланди. Бўлажак референдумда ушбу тоифага мансуб юртдошларимиз ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришларини таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Миллий марказ ташаббуси билан янгиланаётган Конституция матни Брайль алифбосида нашр этилгани шулар жумласидандир.

И.Гилмор ва Т.Хакала жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида кечаётган ўзгаришлар, ислохотлар изчиллигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни юқори баҳолади.

– Европа Иттифоқи делегациясининг таширифи доирасида яна қандай масалаларга эътибор қаратилди?

– Ўзбекистон Президенти учрашув давомида Евроиттифок институтлари билан инсоний меҳмонлари соҳасида яқиндан ҳамкорлик қилиш муҳимлигини қайд этди. Ўз навбатида, Ташқи ишлар вазирлигида ўтказилган мулоқотда «Ўзбекистон – Европа Иттифоқи» ва «Марказий Осиё – Европа Иттифоқи» шаклида турли даражаларда режалаштирилган тадбирлар жадвалига алоҳида эътибор қаратилди.

Буларнинг барчаси беҳиз эмас. Нега деганда, Ўзбекистон ўзаро ҳамкорлигимизнинг ушбу форматларидаги тадбирларида фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, «Марказий Осиё – Европа Иттифоқи» форматидagi ҳамкор давлатлар ташқи ишлар вазирларининг учрашувлари мунтазам ўтказилмоқда.

Шундай учрашувларнинг навбатдагиси, яъни ташқи ишлар вазирларининг 18-учрашуви 2022 йил 17 ноябрда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтди. Эртаси куни, 18 ноябрда «Евроиттифок – Марказий Осиё» ўзаро ҳамкорлиги: барқарор тараққиёт учун глобал дарвоза» мавзусидаги илк конференция ҳам айнан Самарқандда ташкил этилди.

Утган даврда «Евроиттифок – Марказий Осиё» минтақалараро ҳамкорлиги доирасида 6 та қўша орган тузилган. Булар: Ҳамкорлик кенгаши, Парламентлар ҳамкорлиги қўмитаси, Савдо ва инвестициялар бўйича кичик қўмита, Адлия, ички ишлар, инсон ҳуқуқлари ва турдош масалалар бўйича кичик қўмита, Тараққиёт мақсадлари йўлида ҳамкорлик бўйича кичик қўмитадир.

Мамлакатимиз ушбу қўша органлар ҳамда Европа Иттифоқининг Марказий Осиё ва Инсон ҳуқуқлари бўйича махсус вакили институти билан истиқболли ҳамкорлик негизида иш олиб бормоқда. Европа Иттифоқи делегациясининг ушбу расмий таширифи ўзаро амалий алоқаларни янги босқичга кўтаришига ишонч билдирилди.

Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон муносабатларининг шартномавий-ҳуқуқий асослари ҳақида тўхталганда, икки ўртада 15 та ҳамкорлик ҳужжати амал қилаётганини қайд этиш лозим. Бинобарин, мулоқотлар асосида Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни тезроқ имзолаш муҳимлиги ҳам таъкидланди.

Бундан ташқари, Т.Хакала савдо-иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни жуда муҳимлигига эътибор қаратиб, Европа Иттифоқи ушбу масала юзасидан ҳамкорлик қилиш ва тажриба алмашишга тайёрилини айтди.

Меҳмонлар билдирган барча фикрлари ва ўзларини қизиқтирган саволларига тўлиқ шарҳлар ҳамда жавоблар олди. Энг муҳими, томонлар ҳамкорлигини янада самарали ва конструктив руҳда давом эттиришга келишиб олдилар.

Учрашув ва мулоқотлар чоғида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги муносабатларнинг долзарб жиҳатлари, минтақавий ва халқаро сиёсатнинг айрим масалалари ҳам кўриб чиқилди. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари, гендер тенглиги ва сўз эркинлигини таъминлашда ўзаро ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Хулоса ўрнида Европа Иттифоқининг Инсон ҳуқуқлари бўйича махсус вакили Имон Гилмор ташириф якунида айтган қуйидаги фикрларни келтириш билан кифояланамиз:

«Бу юртда ўз қўзим билан қўрганларим ва эшитганларимдан шуни хулоса қилишамки, мамлакатимиз тараққиётнинг энг мақбул ва тўғри йўлини танлаган. Айни шу тараққиёт дастурида инсон ҳуқуқлари етакчи ўринга қўйилгани катта аҳамиятга эга. Ўзбекистонга таширфимдан кўнглим тўқ бўлди. Чунки сафар дастуриимизнинг тигизилгига қарамай, мамлакат ҳаётининг деярли барча соҳаларидаги муҳим янгиланган хабардор бўлишга улғурдик. Энг асосийси, шунга аминимизки, Ўзбекистонда олға интилиш бор, тараққиёт сари шиддатли одимлар ўз самараларини бермоқда».

Ғулом МИРЗО
суҳбатлашди



Барча масалалар қамраб олинди

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти кенгаши томонидан ХАБ «Трастбанк» Бухоро вилояти филиалида 2020-2022 йиллар учун тасдиқланган жамоа шартномасининг 2022 йилда бажарилиши, янги Меҳнат кодексига ҳамда 30 апрель куни бўлиб ўтадиган референдум тарғиботи ва 2023-2025 йиллар учун мўлжалланган жамоа шартномаси лойиҳасига бағишланган умумий йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда молия муассасасининг 2020-2022 йиллар учун қабул қилинган жамоа шартномасининг ўтган йилда бажарилиши яқунлари тўғрисида иш берувчи номидан бошқарувчи ўринбосари Б.Рўзиев ҳамда бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Д.Турдиевларнинг ҳисоботлари тингланди. Жамоа шартномаси бажарилишини текшириб борувчи комиссия раиси З.Аҳмедова касаба уюшмаси аъзоларини фаолиятга оид далолатнома билан таништирди.

Шундан сўнг Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти кенгаши етакчи мутахассиси Н.Файзиев янги Меҳнат кодексига ҳамда касаба уюшмасига аъзолик афзалликлари, жамоа шартномаси нима мақсадда тузилиши ва нималарни ўз ичига қамраб олиши ҳақида касаба уюшмаси аъзоларига тушунтириш берди.

Йиғилишда 2023-2025 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси лойиҳаси ўқиб эшиттирилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти кенгаши раиси ўринбосари

Тўроб ҚУЛИЕВ,



Қашқадарё вилояти

96 ёшга тўлган Алиқул бобо Расулов Қамашининг Манғит қишлоғидан. Ўқитувчилик касби тўғрисида эл зиёлиси мақомига эришган отахоннинг кўнгли тоғлардек улғувор ва кўтаринки. У кишини шоғирдлари, ҳамкасблари доимо йўқлаб туришади.

Яқинда ҳудуддаги 17-ўрта умумтаълим мактаби касаба уюшма қўмитаси раиси Бобоназар Бозоров фахрий ўқитувчи хонадонидида бўлиб, унга Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қамашининг Манғит қишлоғидан эсдалик совғаси ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини топширди. Алиқул бобо тўлқинланди, йўқлаганларни узундан-узун дуо қилди.

Нормўмин Абиров кўп йиллар Қамашининг Манғит қишлоғида раҳбарлик қилиб, бугунги кунда қарилик гаштини сураётган педагог. Масъулиятли вазифада ишлагани учун сиҳаттоҳда даволаниб туришга эҳтиёж сезади. Устознинг икки қизи мактабда дарс беради.

Касаба уюшмалари томонидан ходимнинг яқин қариндошларига санаторий йўлланмаси

Муҳокама

Ходимлар фаолиятдан розими?

Фарғона вилояти давлат солиқ бошқармасида иш берувчи ва ходимлар ўртасида тузилган жамоа шартномасининг 2022 йил якуни ҳамда жамоа шартномасининг белгиланган бандлари бажарилиши юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда иш берувчи ва бирлашган касаба уюшма қўмитаси раисининг ўтган йилги фаолиятига оид ҳисоботи тингланди. Таъкидланганидек, ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, саломатликларини мустаҳкамлаш, саёхатлар уюштириш, жамоа шартномасида белгиланган ҳар бир банднинг бажарилишига жиддий аҳамият берилган.

Самарали фаолият юритётган ходимлар рағбатлантирилаётгани, қўмакка

Тошкент шаҳри

Муаммолар ҳал этилмоқда

ломатлик сайллари» ойлиги доирасида тиббий кўрик ташкил этилди. 6 нафар беморга даволанишлари учун ордер берилди. 21 нафар фуқарога бепул дори-дармонлар тарқатилди.



Учтепа туманидаги 40 минг нафардан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатадиган 24-оилавий поликлиникада Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва республика клиник шифохоналари мутахассислари «Са-

Фарғона вилояти



Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

Кўмак

Тошкент вилояти

Янгийўл туманининг «Намуна» маҳалласида яшовчи 46 ёшни қаршилаётган Раъно Ғуломова узоқ йиллардан буён суяк емирилиши хасталигига чалингани сабабли мунтазам даволанишга муҳтож эди. Унга ногиронлик тоифаси белгиланган, «Аёллар дафтари» рўйхатига киритилган. Бугунги кундаги ислохотлар, хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибордан мамнун бўлган Раъно опа ўзига кўрсатилган ёрдам тўғрисида қўвонч ёшлари билан мана шундай ҳикоя қилади:



«Аёллар дафтари»ни варақлаганда...

«Мен оёққа турдим»

– Муолажалар наф бермай, тўшакка микландим. Бундан тушунлиққа тушдим, албатта. Ҳатто яшашга ҳам қизиқишим қолмади. Яхшики, «Аёллар дафтари» жамғармасидан сунъий бўғим қўйиш жарроҳлик амалиёти учун 32 млн. сўм маблағ ажрати берилди. Жарроҳлик муваффақиятли ўтиб, ўн йил деганда қайта оёққа турдим. Хозир шифокор белгиланган муддатда кўриқка бориб турибман. Мухими, ҳаётга яна умид кўзи билан қарашни бошладим ва бундан жуда хурсандман...

Тошкент вилоятида 1-2-гурӯх ногиронлиги бор, зудлик билан жарроҳлик амалиётига муҳтож хотин-қизлар 21 минг 436 нафарни ташкил қилади. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси маълумотларига кўра, бугунги кунгача уларнинг 5 минг 581 нафарига барча тезкор ёрдамлар кўрсатилган. Жумладан, 204 нафар аёлдаги юрак ишемики, суяк емирилиши, аёллар касаллиги, кўз-шоҳпарда, тизза-бўғин ва бошқа касалликлар бўйича жарроҳлик амалиётлари ўтказилган. Шунингдек, эшитишда нуқсонли бор аёлларнинг 51 нафарига махсус эшитиш мосламалари тақдим қилинган.

Бугина эмас. Рамазон ҳайити муносабати билан ногиронлиги бор аёлларга 55 та ногиронлик аравачаси, 28 та эшитиш мосламаси тарқатилган. Шу билан бир қаторда, вилоят ҳамда туман-шаҳарлар секторлари, ҳомийлар томонидан ҳудудлардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисиз йўқ аёлларнинг ҳолидан хабар олиниб, озиқ-овқат маҳсулотлари элиб берилган.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

Нуронийлар кўнглига йўл топиб

ажратилиши Нормўмин акага ҳам қўл келди. Қизи ёрдамида «Турон» санаторийсига йўлланма олди ва саломатлигини тиклади.

– Кўпни кўрган инсон сифатида собиқ иттифоқ ва мустақиллик давридаги касаба уюшмаси фаолиятини таққослашим мумкин, – дейди Нормўмин Абиров. – Бемалол айта оламаники, бугун касаба уюшмалари олдингидан анча фарқ қилади. Чунки у кириб бормаган соҳанинг ўзи қолмади. Мисол учун, «Аёллар дафтари» орқали қанчадан-қанча хонадонларга ёрдам кўрсатилляпти. Сўнгги йилларда нодавлат секторга мансуб корхона ва ташкилотлар кўпаймоқда. Касаба уюшмаси уларга ҳам эътибор қаратаяпти. Масалан, ўтган йили биргина Қамашининг Манғит туманида 22 та оилавий нодавлат болалар боғчаси касаба уюшма ҳимоясига олинганини тилга олиш мумкин.

– Тез-тез фахрийлар хонадонидида бўламыз, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қамашининг Манғит тумани кенгаши раиси Феруза Абду-

раҳмонова. – Худудлардаги бошланғич ташкилот етакчилари ёрдамида пенсияга чиққан устозларнинг рўйхатини шакллантирганмиз. Масалан, ўтган йилда 21 нафар фахрийнинг Самарқанд вилоятига, яна шунча кекса педагогнинг тумандаги Лангар ота, Ўғлонжон ота зиёратгоҳларига саёҳатини ташкил қилдик.

Зеро, сифатли таълимга кўпни кўрган, донишманд устозларни эъзозламай, уларнинг олтинга тенг маслаҳатларини олмай эриша олмаймиз.

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»

Бошланғич ташкилотларда



Ойга муваффақиятсиз қўниш

Япониянинг Nakuto-R Ой модули бортидаги Бирлашган Араб Амирликларининг Rashid луноходи (Ойга тушириладиган ўзинида автоматик аппарат) Ой юзасига қаттиқ қўниш вақтида кулаб тушган.

dw.comнинг хабар беришича, модулни ишлаб чиқарувчи ispace чоршанба куни у Ернинг табиий сунъий йўлдоши юзасига «юқори эҳтимол билан қаттиқ қўнишни амалга оширганини» тан олди.

Nakuto-R Ойга қўнадиган биринчи тижорат модули бўлиши керак эди. У 2022 йилнинг декабрь ойида Американинг SpaceX компаниясига тегишли Falcon 9 ракета ташувчиси ёрдамида Каневрал бурнидан коинотга учирилган. 2023 йилнинг март ойида ўлчами 2x2,5 метр ва оғирлиги 340 кг. бўлган қурилма Ой орбитасига етиб борган.



Анор қутисидидаги оғу



Саудия Арабистони Гиёҳванд моддаларни назорат қилиш Бош бошқармасининг ижтимоий тармоқларидаги саҳифаларидаги хабарларда қайд этилишича, анорлар солинган қутиларга яширилган 12 миллиондан ортиқ таблетка контрабандасига барҳам берилган.

Наркотикларга қарши кураш хизмати анор қадокланган қутиларга яшириб олиб ўтмоқчи бўлинган 12 миллион 729 минг донга амфетамин наркотик модда таблеткаси олиб кирилишига чек қўйган. Жидда вилоятида тўрт нафар гумонланувчи қўлга олинган. Уларнинг икки нафари Миср фуқаролигига эга, бири суриялик, яна бири яманлик бўлган. Уларга нисбатан ҳуқуқий чоралар кўрилмоқда ва ишлари прокуратурага оширилган, дейилади хабарда.

Оламда

Байден неча ёшда?

Байден аввалроқ видеомурожаатида АҚШ президентлигига иккинчи муддатга номзодини қўйишини маълум қилганди. АҚШ тарихидаги энг кекса Президент келгуси сайлов вақтида 82 ёшда бўлади. Агар сайловда ғолиб чиқиб, иккинчи муддатда ҳам охиригача ишласа, ўшанда унинг ёши 86 га чиққан бўлади.

«Президентнинг ёшига келсак, 2020 йилда ҳам бу ҳақда қайта-қайта эшитгандик, – деган Оқ уй матбуот котиби Карин Жан-Пьер. – Лекин унинг сўнгги икки йилда амалга оширган ишларига қарайдиган бўлсак, у ўз вазифасини бажариб келмоқда.

Америка тарихида мамлакат президентлигига Байдендан ҳам кексароқ бир номзод бўлган. 1992 йилда АҚШда бўлиб ўтган президентлик кампаниясида 85 ёшли Гарольд Стассен иштирок этгани, бироқ номзодлик мақомини ҳам қўлга кирита олмагани. 1932 йилда АҚШ президентлигига Уильям Хоуп Харви ҳам номзодини илгари сурган эди. Ушанда у 81 ёшда бўлган.





Навоий
вилояти

Саодатга элтувчи йўлдамиз



Назира ТоҒАЕВА,
Ўзбекистон касаба
уюшмалари Федерацияси
Навоий вилояти кенгаши раиси

Оналаримиз, опа-сингилларимизу қизларимиз табиатнинг шундай бебаҳо мўъжизасики, сийласанг, гул-гул ёнади, силтасанг, хазон янглиғ дув-дув тўкилади.

Афсусларким, бизнинг меҳри дарё аёлларимиз замона зайли билан эътиборсизлик домига тушиб қолиб, ўзлигини йўқотаёзди. Хайриятки, Мана бугун ҳаммаси яхши томонга ўзгара бошлади. Турмуш ташвишларию бешафқат маънавий депсинишлар кўланкасидан ранг-рўйи заҳил тортган ожизаларимиз қадри баланд инсонлар қаторидан жой олишмоқда. Ҳар қандай йиғин ва чора-тадбирлар аввалида аёл ҳамда унинг эзгу мақсадлари рўёби тургани ҳаётнинг эскирган қолипларини чилпарчин қилиб ташламоқда.

Зеро, давлатимиз раҳбарининг хотин-қизлар муаммоларини атрофича ўрганиш ва ҳал этиш, уларни узлуксиз қўллаб-қувватлаш юзасидан бераётган топшириқларини бажариш бугун юртимизда яшаётган ҳар бир фуқароннинг муқаддас бурчиға айланмоқда. Бу борада «Аёллар дафтари» мунтазам юртилаётгани ҳам айна мударра бўлмоқда.

Биргина Навоий вилояти мисолида оладиган бўлсак, «Аёллар дафтари»ни шакллантиришнинг илк босқичида жами 201 минг 954 нафар хотин-қизнинг му-

аммолари, эҳтиёж ва қизиқишлари синчковлик билан ўрганилди. Ўта оғир шароитда яшаётган 12 минг 827 нафар замондошимиз бевосита «Аёллар дафтари»га киритилди ва иш режасида белгилаб қўйилгандек, 9 та тоифага ажратилди. Эркин ва фаровон яшашга тўсқинлик қилаётган муаммоларни манзилли ҳал этиш Ўзбекистон ҳукумати, касаба уюшмалари тизими ҳамда маҳаллий ҳокимиятлар томонидан қаттиқ назоратга олинди. Шунинг баробарида «Аёллар маслаҳат кенгаши»ларининг ҳокимликлар билан ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Натижада вилоят миқёсида 2021 йилнинг 31 май ҳолатига кўра 12 минг 819 нафар хотин-қизнинг муаммолари ижобий ечим топди.

«Аёллар дафтари»ни шакллантириш ва юртишнинг иккинчи босқичида яна 202 минг нафарга яқин опа-сингилларимизнинг эҳтиёжлари ва қизиқишлари ўрганилиб, 15 минг 265 нафари рўйхатга киритилди. Учинчи босқичида эса 240 мингдан ортиқ замондошларимизнинг моддий-маънавий шароитлари чуқур таҳлил қилиниб, ҳақиқатан ҳам ёрдамга муҳтож бўлган 20 минг 444 нафари дафтарга киритилди ва худди аввалгидек тоифаларга ажратилган ҳолда барчасига ҳар томонлама амалий ёрдамлар кўрсатилди. Сирасини айтганда, «Аёллар дафтари» ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларимизнинг том маънодаги нажот, фаровонлик ва юксалиш дафтарига айланди.

Аёллар муаммоларини ўрганиш ва бартараф этиш йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб, бошқаларга ўрناк бўлаётган замондошларимизни рағбатлантириш йўлга қўйилгани ушбу йўналишда муайян ютуқларга эришишимизда қўл келмоқда. Ушбу мақсадда ташкил этилган Республика комиссияси ташаббуси билан «Энг намунали аёл иш берувчи», «Касаба уюшмалари лауреати», «Энг яхши маҳалла раиси», «Энг яхши сектор раҳбари», «Энг яхши хотин-қизлар фаоли», «Энг яхши ёшлар етакчиси» танловлари ўтказилиб, ғолиблар замонавий автомобиллар билан тақдирланаётгани эзгу мақсадларимиз изчил амалга ошишига хизмат қилмоқда. Кувонарлиси, бундай нуфузли мукофот бизнинг вилоятимиздаги энг фаол маҳалла раисларидан бирига ҳам насиб этди.

«Аёллар дафтари»ни юртишнинг туртинчи босқичида вилоятимизнинг 330 та маҳалласида яшаётган ва 30 ёшдан ошган 233 минг 760 нафар хотин-қиз рўйхатга

олиниб, муаммолари чуқур таҳлил қилинди. Оғир ижтимоий шароитда яшаётган 30 минг 56 нафар аёл «Аёллар дафтари»дан жой олди. Бу жараёнга касаба уюшмалари ва бошқа тизимларда фаолият юритаётган 300 дан ортиқ масъул ходим жалб қилинди.

Жорий йилда вилоят бўйича 5 минг 259 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож, 1 минг 55 нафар тадбиркорлик қилиш истиғиди бўлган, 8 минг 449 нафар боқувчисини йўқотган, 11 минг 831 нафар I ва II гуруҳ ногиронлиги бор, 278 нафар уй-жойга муҳтож, 3 минг 184 нафар қарамоғида касалманд фарзанди бўлган хотин-қизлар муаммоларини ҳал қилиш режалаштирилган. Дастлабки чоракда уларга 6 млрд. 439 млн. сўм миқдориди моддий ёрдамлар кўрсатилди ва 407 млн. сўмлик курилиш материаллари олиб берилди. Ижарада яшайдиганларга 863 млн. сўм миқдориди компенсация тўланди. 184 нафар хотин-қизга 2 млрд. 944 млн. сўм миқдориди имтиёзли кредитлар расмийлаштирилди. Режалаштирилган йиллик иш ҳажмининг 33 фоизи бажарилди.

«Дунёда битта аёл бўлса ҳам заргарга иш топилади» деган гапни кўпчилигимиз эшитганмиз. Бас, шундай экан, аёлларимиз турмуш тарзини фаровонлаштириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва бир неча юз йиллик дард-ҳасратларига малҳам топиш борасида адо этилиши лозим бўлган ишларимиз ҳали анчагина. Қолаверса, халқимизда «Эзилган аёлнинг эскиси этингни куйдиради» деган нақл ҳам бор. Бу демак, аёллар муаммоларини зудлик билан ҳал этиш ҳар қандай даврда ҳамма ишдан муҳим саналган. Ўйлайманки, бир ёқадан бош чиқарсак, пухта режа асосида ишласак, биз ҳам, албатта, мақсадимизга эришамиз. Мен эса оиласига ёки яқинларига амалий ёрдам кўрсатилишини, ҳар томонлама қўллаб-қувватланишини интиқлик билан кутаётган хотин-қизларимизга қарата шундай дегим келади:

– Азиз ва муҳтарам онажонларим, опа-сингилларим ва қизларим! Сизлар бorkи, рўзгорлар бут, хонадонлар саранжом-саришта. Шу боис ҳукуматимиз ҳаётингизни фаровонлаштириш, орзу-ҳавасларингизни рўёбга чиқариш учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Муҳими, сиз ҳаётдан ва юртимизда амалга оширилаётган яхши ишлардан рози бўлсангиз бас. Сизнинг кувончингиз бизнинг энг катта ютуғимиздир. Унутмангки, ҳаммамиз саодатга элтувчи йўлдамиз.



Таҳлил



Самарқанд
вилояти

Самарқанд давлат университети-нинг 1-сонли талабалар ётоқхонаси биносида тиббий профилактика маркази ташкил этилди. Маъмурият ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти ташаббуси билан ташкил этилган ушбу марказда 27 914 нафар профессор-ўқитувчи ва талабага хизмат кўрсатилади.

Хушхабар

УНИВЕРСИТЕТДА ПРОФИЛАКТИКА МАРКАЗИ

Янги марказ замонавий тиббиёт ускуналари, дори-дармонлар ҳамда физиотерапия, электрокардиограмма ҳамда ингалатор билан жиҳозланган.

– Биринчи тиббий ёрдам учун барча имкониятларни яратиш билан бирга, «фитнес» клуби фаолияти ҳам йўлга қўйилди, – деди муассаса очилишига бағишланган тадбирда сўзга чиққан Самарқанд давлат университети ректори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Рустам Холмуродов. – Устозлар ва талаба ёшлар саломатлиги биз учун муҳим.

Тиббиёт маскани фаолияти маъмурият ва касаба уюшма кўмитасининг ҳам назоратида бўлади.

Шавкат МАҲМАТМУРОДОВ,

Самарқанд давлат университети бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси



Фарғона
вилояти

Учрашув



Мам-лакатиимизда ёшлар манфаатларини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган тизимли ислохотларда касаба уюшмалари ҳар қачонгидан кўра фаол иштирок этмоқда.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида тахсил олаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни касаба уюшмалари фаолиятига кенг жалб қилиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Фарғона академик лицейи битирувчилари иштирокида «Раис ва ёшлар» учрашуви ташкил этилди. Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг

Ёшлар билан мулоқот

Фарғона вилояти кенгаши раиси

Эркинжон Нуралиев ёшлар билан суҳбатлашар экан, уларга касаба уюшмаси иш фаолияти, аъзолик афзалликлари ҳақида муфассал маълумот берди.

Касаба уюшмалари томонидан ёшлар ўртасида спорт мусобақалари, маънавий-маърифий тадбирлар, танлов ва саёҳатлар уюштирилиши, жумладан, «Энг намунали ёш иш берувчи», «Энг намунали ёш бошланғич ташкилот раиси», «Энг намунали ёш мутахассис», «Энг яхши

меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис» каби танловлар иқтидор эгаларини кашф этиш, орзу-истакларининг рўёбга чиқаришига хизмат қилаётгани таъкидлаб ўтилди.

Жамшид ЭРГАШЕВ

«ISHONCH»

Бугун...

G7 саммити ҳужжатларига қўшимча ташаббус

ННХ телеканили тарқатган хабарларга кўра, Япония бош вазири Фумио Кисида раҳбарлигида ҳукумат «Катта эттилик» мамлакатларининг бўлиб ўтадиган саммити якунлари бўйича қабул қилинадиган ҳужжатларга қўшимча равишда ядровий қуролсизланиш ва уни тарқатмаслик бандини ҳам қўшимча ташаббусини илгари сурмоқда.

Япония G7 нинг 2023 йилги саммитини 19-21 май кунлари Хиросима шаҳрида қабул қилади. Мазкур шаҳар 1945 йил 6 август куни атом бомбаси ҳужурига учраган. Иккинчи жаҳон уруши сўнггида АҚШ томонидан Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбаси ташланган. Бомба портлаши натижасида бир зумда 100 мингга яқин одам ҳалок бўлган.



Трамп энди жинсий зўравонликда айбланмоқда

Euronews тарқатган хабарларга кўра, АҚШнинг собиқ президенти Дональд Трамп яна бир можарога аралашиб қолган. У 1990 йилларда журналист Джин Кэроллни зўрлаганликда айбланмоқда.

Жиноий иш журналист Э. Жин Кэрролл аризасига асосан қўзғатилган. Унинг сўзларига кўра, Кэрролл 1995 йил охири ёки 1996 йил бошларида Манхэттендаги савдо марказларидан бирида Трамп билан учрашиб қолган ва совға танлаш учун дўконларни айланган. У айтмоқчи бўлган воқеа шу ерда содир бўлган.

Кэрролл бу воқеа ҳақида 2019 йилда нашр қилинган мемуарларида ёзган.

Трамп эса зўравонлик у ёқда турсин, Кэрроллни танимаслигини айтмоқда. Унинг сўзларига қараганда, аёл китобларини кўпроқ сотиш учун буну уйлаб топган.



Судан: томонлар музокараларга ишора бермаяпти

БМТ Хавфсизлик Кенгаши мажлисида Бош котибнинг Судан бўйича махсус вакили Судану Волкер Пертес бу ҳақда сўз юритди.

Унинг таъкидлашича, ҳозирча томонларнинг бирортаси жиддий музокараларга тайёрлигини намойиш қилмаяпти.

Маълумот учун: Суданда 15 апрелдан буён Муҳаммад Хамдан Дагло кўмондонлигидаги Тезкор ҳаракат кучлари билан Судан мунтазам армияси ўртасида жанглار давом этмоқда. Судан соғлиқни сақлаш вазирининг маълум қилишича, қуролли тўқнашувлар натижасида ҳалок бўлганлар сони 600 кишига етган.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

